Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОУМТВ
Буйрук № 356
"18" 08 2021 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

• Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари класификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаМалака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	*60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	*60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2.	*60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	*60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари	4
1.2.2.	*60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3.	*60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация т*аълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4.	*60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация т*аълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари	5
2.	*60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
2.1.	Умумий компетенциялар	6
2.2.	Касбий компетенциялар	7
	Библиографик маълумотлар	8
	Келишув варағи	9

1. *60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. *60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби ***60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлар ва талабалар;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. *60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. *60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация бакалавриат таълим йўналиши – техника ва технологиялар жабҳасига оид таълим соҳаси бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятлар доирасида табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш ва улардан турли мақсадларда самарали фойдаланишни ташкил этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация хамда бошқа сув хўжалиги тизимларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва уларни мониторинг қилиш бўйича билимларга, касбий кўникмага ва мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. *60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– ирригация ва мелиорация тизимларидаги сув хўжалиги иншоотлар ва механизмлар ҳамда сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятларнинг экологик безарар услублари ва технологиялари;

– ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш бўйича дастурлар, стандартлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотлар, ҳисоботлар;

– ирригация ва мелиорация тизимларида ишлатиладиган асбоб-ускуналар, замонавий техника ва воситалар, лаборатория асбоб-анжомлари;

– ирригация ва мелиорация тизимлари ҳамда улардаги гидротехник иншоотлар, йўллар ва ҳимоя дарахтзорлари;

– сув омборлари, насос станциялар ва бошқа сув хўжалиги ҳамда мелиорация иншоотлари.

1.2.3. *60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- лойиҳа технологик;
- ишлаб чиқариш:
- ташкилий-бошқарув;
- ўрта махсус касб ҳунар муассасалари;
- сервис хизмати кўрсатиш.

1.2.4. *60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир булиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– фаолият натижаларини таҳлил ва синтез қилиш, ташкил этиш ва режалаштириш, баҳолаш, фундаментал, умумкасбий ва амалий билимлардан фойдаланиш кўникмаси ва уларга тайёрлик;

– муаммоларни ҳал этишга ва қарор қабул қилишга тайёрлик, билимларни амалиётда қўллаш, иш самарадорлиги ва сифатига жавобгарлик;

– мустақил ишлаш қобилияти, иш жараёнларини идентификациялаш ва моделлаштириш, бошқариш ва сифатини яхшилаш учун билим ва маҳоратдан фойдалана олиш;

– республика ва ҳорижда чоп этилган ирригация ва мелиорация соҳасига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун тайёргарлик ишларида ва уни бажаришда бевосита иштирок этиш;

– мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– ирригация ва мелиорация соҳасидаги илғор илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш.

Лойиҳавий-технологик фаолиятида:

– сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва мавжуд сувдан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш хамда уларни тизимли ёндашув асосида такомиллаштириш тадбирларида иштирок этиш;

– замонавий ресурстежамкор суғориш ва мелиоратив тизимларни ҳамда илғор технологияларни лойиҳалаш ва амалга ошириш;

– ўз фаолиятида ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларини, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини ихтисослигига мос равишда қўллаш;

– ирригация ва мелиорация тизимлари ва механизмларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таклифларини ишлаб чиқиш, техника ва технологиялар учун ускуналар, мосламалар ва зарурий жиҳозларни танлаш, бажариладиган ишларни сифатини ошириш усулларини такомиллаштириш;

– гидротехника иншоотлари, насос станциялари ва жиҳозлари, уларнинг қисмлари ва қурилмаларининг параметрлари ва имкониятларини аниқлаш;

– ирригация ва мелиорация соҳасида лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

– ирригация ва мелиорация соҳасидаги технологик жараёнларни ташкил этиш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– ирригация ва мелиорация соҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш ривожлантириш;

– сув хўжалиги ва мелиорация соҳаси ишлаб чиқаришида технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;

– ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган жараёнлар ва ресурсларини режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялалар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнги мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– соҳага оид инновацияларни амалиётга татбиқ қилишни ташкил этиш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида (касб таълими йўналишлари учун):

– ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

2. *60812300 – Сув хўжалиги ва мелиорация* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.2. Умумий компетенциялар:

• педагогик фаолиятда таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиш, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ этган ҳолда ташкил этиш;

• ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

• ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

• бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

• интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

• педагогик фаолиятида ахборот, педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратдан фойдаланиши;

• таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;

• илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;

• патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши;

• давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш, ирригация, мелиорация, сув хўжалиги, ресурстежамкор суғориш, мелиоратив тизимлар, атроф-муҳитни муҳофазаси, меҳнатни ташкил этиш, персонални бошқариш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, инсон тараққиёти.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Ректор_____проф. Ў.П.Умурзаков

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги

Вазир ўринбосари _____А.С.Назаров

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларини татбиқ этиш маркази

Директор _____ М.Эсонов

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Кадрлар ва таълим муассасалари бошқармаси

Бошлиқ _____ Х.Лапасов

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Сув тежовчи ва илмий-инновацион лойиҳаларни ривожлантириш бошқармаси

Бошлиғи _____ Ш.Усманов

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бошқармаси

Бошлиғи _____ Т.Қаюмов

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

“Сувлойиҳа” ДУК бош

Директор _____ Х.Таджиев

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Директор _____ А.Уразкелдиев

202_ йил «_____» _____

М.Ў.